

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 18 апрель, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 73 (10.882) Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бугун Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал соҳасини ислоҳ қилишдаги ўрни» мавзусида семинар ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан пойтахт ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

• Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт банки бош директори Ю Сяюпин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Орипов билан учрашди.

• Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида маҳаллий вакиллик идоралари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган тадбирда Олий Мажлис, вилоят ва туман кенгашларининг депутатлари, сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари ва гуруҳлари аъзолари, ОАВ вакиллари қатнашди.

• Кеча Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан уюштирилган «Мамлакат ижтимоий ҳаётини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий конференция бўлиб ўтди.

• Кеча Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Европа иммунизация ҳафталигида Ўзбекистон Республикаси иштирокида бағишланган ушбу мулоқот Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа бюроси мувофиқлаштирадиган минтақавий тадбирлардан бири ҳисобланади.

• Тошкентдаги «Фотосуратлар уйи»да Хотин-қизларнинг жамиятида тугган ўрнига бағишланган кўргазма очилди. У Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Финляндия парламенти кўпчилик овоз билан, яъни 200 нафар депутатдан 121 нафари қўллаб-қувватлагани ҳолда Матти Ванханенни мамлакат Бош вазирлигига тасдиқлади. Ванханен бошқарадиган Вазирлар Маҳкамасининг таркиби 20 кишидан иборат бўлиб, шундан 12 нафарини аёллар ташкил этади.

• Франциядаги президент сайловларига ҳам беш кун қолди. Ушбу жараёнда 44,5 миллион сайловчининг қатнашиши маълум бўлди. Мазкур сайлов кампаниясида Интернет тизимининг роли катта бўлмоқда. Эро, президентликка асосий даъвогарлардан тўрт нафари тўғрисидаги маълумотлар билан Интернетдаги сиёсий сайтлар тўлган.

• Украина Конституцион суди мамлакат Президенти Виктор Ющенконинг жорий йилнинг 2 апрелидаги Олий Рададан тарқатиб юбориш тўғрисидаги Фармонининг қонуний ёки қонуний эмаслигини кўриб чиқишни бошлади.

• Эрон ҳукумати Швециянинг икки нафар фуқаросига нисбатан авф эълон қилди. Улар 2006 йилда мамлакатдаги ҳарбий объектларни суратга олишгани учун уч йил муддатга озоқликдан маҳрум этилганди.

• АҚШнинг Виржиния штатининг Блексбург шаҳрида жойлашган технолофик университетдаги хунрезликнинг 23 ёшли Жанубий корейлик талаба Чо Сон Хуэй амалга оширилганлиги маълум бўлди. У бир неча соат давомида иккита тўппонча ёрдамида 32 талабани ўлдирган, 30 га яқин талаба эса турли даражадаги тан жароҳатини олган. Шу муносабат билан университетда ўтказилган мотам маросимида АҚШ Президенти Жорж Буш иштирок этди. Мазкур қабих хунрезлик муносабати билан АҚШда ҳафта охирига қадар мотам эълон қилинди.

• Германиянинг Ганновер шаҳрида жаҳондаги турли мамлакатларнинг минглаб компаниялари иштирокида «Ганновер -2007» халқаро саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Унда асосан қишлоқ хўжалиги учун экологик жиҳатдан хавфсиз техникаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Халқаро ярмарка 20 апрелга қадар давом этади.

• Россия бош прокуратураси «ҳокимиятнинг зўрлик билан эгаллаш» моддаси бўйича Борис Березовскийга қарши жиноий иш қўзғатди. Федерация қонунларига қўра, ушбу модда бўйича айбланганлар 20 йилга қадар озоқликдан маҳрум этилиши мумкин.

• АҚШнинг Виржиния, Шимолий ва Жанубий Каролина, Жоржия каби шарқий штатларида бир неча кун давомида тинимсиз ёмғир ёғиши натижада кули сув тошқинлари юзга келди. Натижада қўллаб уйларнинг пойдеворлари, автомобиллар сув қуршовида қолди, баъзи иншоотлар қулаб тушди. Кучли сув тошқинлари муносабати билан иккита штатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 19 апрель кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ МИСРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17 АПРЕЛЬ КУНИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ САФАР ОЛДИДАН ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИГА ИНТЕРВЬЮ БЕРДИ.

— Қадимий маданият ва давлатчилик марказларидан бири бўлган Миср Араб Республикаси ўз минтақасидаги юксак иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-техник салоҳиятга эга мамлакатлардан, — деди Ислам Каримов. — Миср араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган, мамлакатимиз билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ҳамда юртимизда ўз элчихонасини очган.

Мамлакатларимиз ўртасида турли даражада йигирма тўртта ҳужжат имзоланган. Икки давлат расмий делегацияларининг ташрифлари асосида ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланган.

Давлатимиз раҳбари Кохирада ўта-

жақ учрашувлар чоғида Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар, халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама этилиши кўзда тутилаётганини таъкидлади.

— Алоқаларни юқори босқичга кўтаришга бўлган интилиш икки томонда ҳам кучли, — деди Президентимиз. — Бироқ ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли икки томонни ҳам қониқтирмайди. Шу боис Миср раҳбарияти билан мулоқотларда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, бу йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига тўла мос келади.

Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий соҳалар билан бир қаторда ижтимоий соҳаларда ҳам алоқалар йўлга қўйилган. Давр мазкур соҳалардаги ҳамкорликни ҳам янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни талаб қилмоқда.

Музокаралар якунлари бўйича ўзаро ҳамкорликка доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Президентимизнинг ушбу ташрифи Ўзбекистон билан Миср ўртасида барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши, шубҳасиздир. (ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Р.Ш.ЧАҒАЕВНИ «БҮЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намоён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириши, унинг шўҳратини бутун дунёга тараннум этиши, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аъёналарини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Руслан Шамилович Чағаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2007 йил 17 апрель кун республика ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. мажлисда 2007 йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим устувор вазифаларни бажарилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари атрофида муҳокама қилинди. мажлисни Ўзбекистон Республикасининг бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ олиб борди.

Мажлисда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йил 12 февралда ҳукумат мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши, шу жумладан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш ва одамлар фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, ҳорижий инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларни барча чоралар билан қулайтириш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда ижобий таърибий ўзгаришларни ҳамда макроиқтисодий ва тармоқлар ривожланишида юқори кўрсаткичларга эришилишини таъминлади.

Чунончи, жорий йилнинг биринчи чо-

рагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,1 фоизни ташкил қилди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 12,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 5,5 фоизга, қурилиш — 12,8 фоизга, чакана товар айланмаси — 16,5 фоизга ва пулли хизматлар кўрсатиши — 25 фоизга кўпайди. Давлат бюджетининг ижроси 1,7 фоиз миқдоридаги профицит билан таъминланди, инфляция даражаси 2,9 фоизни ташкил қилди ва прогноздаги параметрлардан ошмади. Ташқи савдо айланмаси барқарор равишда юқори суръатлар билан ўсмоқда, экспорт кўрсаткичлари 21,1 фоизга кўпайди. Ташқи савдо илҳобий салдоиси қарийб 600 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Узлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 36,4 фоизга кўпайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 47 фоизга, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига инвестициялар 16 фоизга ўсди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

• **ШУ** кунларда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари жойларда учрашувлар ўтказиб, сайловчиларга Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси ҳамда шаҳар Кенгашининг ўн биринчи сессиясида кўтарилган масалаларнинг моҳиятини тушуниришмоқда.

• **БУГҲН** «Дедеман силк Роад» мехмонхонасида ногиронлик масалалари билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида Ўзбекистон Ахборот манбалар маркази ташаббуси билан ўтказилган конференция

лаштирилди.

• **БУГҲН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Абдулла Қаҳҳор — сўз зарғари» мавзусида уюштирилган адабий кечада 69-мактабнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди.

• **КЕЧА** «Дедеман силк Роад» мехмонхонасида «Ишлаб чиқарувчининг бир кун» шiori остида ўтказилган семинарда компьютер технологиялари бўйича маҳаллий дастурлар тайёрловчи компаниялар вакиллари иштирок этишди.

• **КЕЧА** матбуот нашрлари сони яна биттага орди. Шаҳримизда «Медиа+» газетасининг нишонна сони газетхонлар қўлига етиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ «УНИВЕРСИАДА — 2007» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида соғлом турмуш тарзи муҳитини янада мустаҳкамлаш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт-шароитларни яратиш, спорт мусобақалари оралиги ёшларнинг иродаси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончини, мардлик ва ватанпарварлик, она юртва садоқат туйғуларини камол топтириш, мусобақалар муносабати билан ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирлар самарасини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Миллий Олимпия қўмитасининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган якуний босқичини 2007 йил июнь ойининг учинчи ўн кунлигида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуаларида ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. «Универсиада-2007» спорт мусобақаларини Тошкент шаҳрида ўтказиш дастури (1-илова) ва ташкилий қўмита таркиби (2-илова) тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита:

10 кун муддатда «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ўтказиш учун тегишли сарф-ҳаражатлар сметасини ишлаб чиқиш, унинг молиявий манбаларини белгилашда мазкур мусобақаларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан қопланишини назарда тутсин;

«Универсиада — 2007» спорт мусобақалари харажатларининг бир қисми Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишига руҳсат берилсин;

корхона ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини ўтказишга ҳомийлик қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин;

«Универсиада — 2007» спорт мусобақалари учун қурилатган ва реконструкция қилинётган спорт иншоотларидаги қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштириш мақсадида пудратчи ташкилотларнинг аниқ иш ҳажмлари ва уларни бажариш муддатларини белгилансин;

барча тадбирлар, жумладан, мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотларининг халқаро талаблар даражасида тайёрланиши ва замонавий спорт анжумлари билан жиҳозланиши ҳамда тадбирлар ўтадиган жойларни ободонлаштириш ишларини жорий йилнинг 15 июнига қадар тугатишни таъминлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда «Универсиада — 2007»

спорт мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари юксак савияда ўтишини ташкил этсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлигига:

спортчи талабаларни мусобақалар ўтказиладиган масканлар ва яшаш жойларига олиб борадиган йўналишларни белгилаб, шу йўналишлар бўйича таъмирлаш-ободонлаштириш ишларини амалга ошириш;

«Тошхатарансхизмат» уюшмаси билан биргаликда спортчи талабаларни белгиланган манзилларга етказиш учун техник қўриқдан ўтган транспорт воситаларини жалб этиш;

шаҳар кўчаларини «Универсиада — 2007» спорт мусобақаларини тарғиб қилишга қаратилган кўргазмали воситалар билан безатиш;

Тошкент темир йўл вокзалида спортчи талабаларни тантанали кутиб олиш ва кузатишни ташкил этиш вазифалари топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мусобақалар иштирокчиларини тиббий қўриқдан ўтказиш, мусобақалар даврида тез тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва оватланиш жойларида санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилишини алоҳида назоратга олсин.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмасига мувофиқ, мусобақалар иштирокчилари йўл харажатлари учун имтиёзли тўлов тарифларини қўллашни назарда тутсин.

8. Республика «Ватанпарвар» ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар, Тошкент вилояти ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш ҳамда Ички ишлар вазирликлари билан биргаликда «Кўёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида универсиада машъаласини ёқиш ва уни Тошкент шаҳрига етказиш билан боғлиқ барча ташкилий-ҳавфсизлик тадбирларини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, тегишли ваколатли ташкилотлар билан биргаликда, «Универсиада — 2007» мусобақалари давомида тадбирлар ўтадиган жойларда жамоат ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Универсиада — 2007» мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кенг ёритиш таъминлансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2007 йил 16 апрель

03-03 ҲАНДИД ДОМО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила...

Ҳар киши халқ ичра гунаҳкорроқ, Афву иноятга сазоворроқ. Одамлар ичидаги гуноҳкорроқ киши афву марҳаматга кўпроқ сазовор бўлади...

Ҳар кимки, биров била ёрдур ёки ёрлик даъво ё бордур, керакким, ўзига раво тутмаганини ёрига раво тутмаса, кўп нима ўзга ҳам раво тутса, анга тутмаса.

Ҳар кўнгулниким, вафо маскан қилур, ҳаё ҳам қилур ва ҳар маскандаким, ул топилиур, бу ҳам топилиур.

Ҳар кишини дема махраму ҳамроздурким, бу матоъ олам аҳлида оздур. Ҳар кишини ҳам ўзинга сирдош ва улфат деб билмаки, одамлар ичида бундай зотлар ниҳоятда оздир.

Ҳар гадоеким, жаҳонда бир мувофиқ ёри бор, Хизр умрию Скандар ҳашматидин ори бор. Бу дунёда ўзига муносиб ёр топган киши ҳар қанча фақир бўлса-да, на Хизрнинг боқий умри, на Искандарнинг буюк шон-шавкати ни орзу қилади...

Ҳар не ёзмиш оллингга қилки қазо—қўрмак керак, Эй Навоий, қочмоқ ўлмас тенгрининг тақдиридин.

Тақдир қалами пешонанга нимаки ёзган бўлса, кўриш керак, Эй Навоий, Худонинг тақдирдан қочиб бўлмайдн.

Ҳар не ўлгимдин талх эмиш—мундин сўнг, эй гардун, мени Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.

Айрилиқ ўлимдан ҳам аччиқ эмиш, эй фалак, бундан кейин мени жондан жудо қилгандан кўра, жондан жудо қилиб кўя қол.

Хусн аро ишваю ноз эл кўнглин Онча олмаски, ҳаё бирла адаб. Гўзалларнинг нозу ишваси ҳам одамларнинг кўнглини ҳаё ва адабчилик ўзига жалб қилолмайдн.

Ҳар амалеким, киши хайр айлағай, Коми буқим, равзада сайр айлағай. Кишилар барча эзгу амалларини жаннат боғларида сайр этиш мақсадида қиладилар.


Ҳар нечақим номасияҳ бўлса ул, Фарҳақ дарёи гунаҳ бўлса ул. Тонг йўқ, агар афв ўлуб умид анга, Тутса илик раҳмати жовид анга.

Киши гуноҳ дарёсига фарқ бўлиб, ҳар қанча номаи аъмоли қора бўлмасин, илоҳий марҳаматдан умидини узмага бўлса, Оллоҳ раҳматига муяссар бўлса, сира ажабланидиган жойи йўқ.

Ҳариф эрмасдурур харога шима, Чу тушти ўт, куяр хирмон хамша. Ўт тушса, хирмон хамша ёнганидек, шима ҳеч қачон тошга рақиб бўлолмайдн.

Ҳайфдур буки, ўтар уйку била субҳи шабоб. Ёшлиқ тонгининг уйку билан ўтиши хайфдир. Хою хўй айлабон ўзин нафасе хуш тутгим, Хай дегунча не сен ўлгун арода, не ахбоб.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Саломатлик — туман бойлик БЎШ ВАКТИНГИЗ МАЗМУНИ УТАДИ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БОШИДА ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ 5-МАЗВЕДА ЖОЙЛАШГАН ҲАМЗА МАҲАЛЛАСИДА «ЭКСПО-ШАРҚ-БЕНИТА» НОМЛИ ТРЕНАЖЁРЛАР ЗАЛИ ЎЗ ЭШИКЛАРИНИ ОЧДИ.

Кўнарали томони шундаки, яқин-атрофда истиқомат қилувчи спортсевар болалар, саломатлигини мустақамлаш ниятида бўлган аёллар ва эркеклар учун спорт зали эрта-лабдан то оқшомга қадар узлуксиз фаолият қўрсатмоқда.

Каратэ ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«ЖАР» СПОРТ МАЖМУАСИДА КАРАТЭНИНГ ШОТАКАН ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА УОШТИРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Кўмите бахсларида эса Эркин Обидов, Азиз Нуриддин, Дилшод Абдулқокиев, Дилноза Дўстмухамедова ва Ниғора Абдукаримоваларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Синхрон сузиш ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ЧЕМПИОН

«ЎЗБЕКИСТОН» СУВ СПОРТИ САРОЙИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА СИНХРОН СУЗИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ ПОЙТАХТЛИК СПОРТЧИЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.

бўйича ҳам ҳамшаҳарларимиз Валентина Попова ва Наталья Корнеева жафтлиги биринчи ўринни кўлга киритди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 22 май куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйдаги мулкларни кўймоқда.

19.06.2006 йилдаги ижро ҳужжатга асосан «Тошкент-лифт» трестига қарашли Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Миробод (Куняев) кўчаси 12-уй, 53-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№71) бошланғич баҳоси-4 676 464 сўм 99 тийин

ни, Марказ-4, А.Кодирий кўчаси 24-уй, 4-хонада жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв.№3055) бошланғич баҳоси-7 865 202 сўм 93 тийин

Мунажжим башорати ИЖОДКОРГА ОМАД ЁР БЎЛАДИ

19 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА Кўннинг биринчи ярми оғир меҳнатни катта матонат ва маҳорат билан адо этишни билдирса, иккинчи ярми одамларда ўз иродаларини бошқаларга сингдиришга уриниш билан боғлиқ бўлади.

СОБИР РАҲИМОВ ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ — ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари; — маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қатнашиш учун қуйдаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Директор номига ариза.

2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАБУЛ

Собир Раҳимов тиббий коллежи 2007-2008 ўқув йили учун «Ҳамширалик иши», «Лаборатория диагностика», «Фармация» йўналишлари бўйича Тошкент шаҳрида доимий истиқомат қилувчи 9-синф битирувчиларини ўқишга таклиф қилади.

МАМЛАКАТИМИЗДА САНЪАТГА ИШТИЁКИ БАЛАНД БЎЛГАН ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР САФИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИЛИГИ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР, ФЕСТИВАЛЛАРГА ЁРҚИН НАМОЁН БЎЛМОҚДА.

Танловлар ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР САРАЛАНМОҚДА

Айни кунларда шаҳримизда «Ниҳол» кўрик-танловининг туман босқичлари давом этмоқда. Кўни кеча Сергели туманидаги 21-музыка мактабига мазкур танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.



Дарҳақиқат танловда санъат шайдолари бўлган ёшлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, жозиба-ли рақсларини катта маҳорат билан ижро этиб, ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳо олдилар. Хусусан, чолғучилик йўналиши кўшдилар. Танлов қатнашчилари ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3061 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.